

*Ўзбек халқининг
сеvimли шоираси
Зулфия Исроилова
ҳақида*



Ўзбек халқининг севимли шоираси, таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири Зулфия Исроилова ижодий камолотида ўзбек ва рус классиклари, халқ оғзаки ижодиёти ва жаҳон адабиёти анъаналарининг роли бениҳоя бўлди. Ўзбек шоираси. 1915 йилнинг 1 мартида Тошкентда туғилган. Ўрта мактабдан сўнг педагогика институтида ва аспирантурада таълим олган.

Ўзбек халқининг севимли шоираси, таниқли жамоат арбоби, халқаро тинчлик учун кураш жарчиси Зулфия Исроилова 1915 йили Тошкентда ҳунарманд оиласида туғилган. Шоира Хотин-қизлар билим юртида ўқиган вақтларида (1931-1934) адабий тўғаракларда шеър машқ қила бошлади. 1935-1938 йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг А.С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олди.

Сўнгра 1938-1948 йилларда Болалар нашриётида муҳаррир, Ўзбекистон Давлат нашриётида бўлим бошлиғи, 1950-1953 йилларда эса «Ўзбекистон хотин-қизлари» ойномасида бўлим бошлиғи ва ниҳоят, 1953-1980 йилларда «Саодат» ойномасининг бош муҳаррири бўлиб ишлади.

Зулфия 17 ёшида ёзган «Ҳаёт варақлари» (1932) номли биринчи шеърлар тўплами билан Ойдин, Музайяна Алавия, Хосиятхон Тиллахоновалар сафига кириб келди. Ёш шоира поезияси замонавий, актуал мавзуларга бағишланади.

Зулфиянинг ижодий камолотида ўзбек ва рус классиклари, халқ оғзаки ижодиёти ва жаҳон адабиёти анъаналарининг роли бениҳоя бўлди. Шоира «Шеърлар» ва «Қизлар кўшиғи» (1938) каби поетик асарларини она-Ватан ва унинг дала, чўлларида меҳнат қилаётган пахтакорлар, механик, тракторчи қизларнинг қайноқ ҳаётларига бағишлайди. Айни чоқда мазкур тўпламлардаги шеърлар ёш шоиранинг шеъррий маҳорат сирларини эгаллаётган даврини характерловчи асарлар сифатида ҳам муҳим эди.

Улуғ Ватан уруши даврида шоиранинг «Уни Фарҳод дер эдилар» (1943), «Ҳижрон кунларида» (1944) каби тўпламларининг нашр

этилиши Зулфиянинг пешқадам шоирлар қаторига дадил кириб келаётганлигидан нишона эди. Тўпламдаги шеърлар Ватанга муҳаббат, душманга нафрат ва галабага ишонч руҳида яратилганлиги билан характерлидир. Зулфиянинг «Менинг Ватаним», «Кўлимда қуролу устимда шинел», «Бизни кут» каби умидбахш шеърлари уруш даври ўзбек шеърятининг жанговар руҳини англатувчи асарлари қаторидан мустаҳкам ўрин олган.

Ҳозиржавоб шоиранинг урушдан сўнгги йилларида ёзилган «Чоржўй—Кўнгирот» (1947), «Далада бир кун» (1948), «Зоотехник қиз» (1952), «Тонг кўшиги» (1953) каби бир қатор шеърлар туркуми, «Мен тонгни куйлайман», «Юрагимга яқин кишилар» (1958), «Куйларим сизга» (1965), «Салом, сизга эркпарвар эллар», «Ўғлим, сира бўлмайди уруш» каби шеър ва тўпламларида Ватан мадҳи, меҳнат жараёнида фидокорлик кўрсатаётган кишилар ҳаёти жўшиб куйланади, хунрез урушларга лаънатлар ўқилади. Унинг «Сўроқлайди шоирни шеърим» (1960), «Ойдин» (1953), «Кўёшли қалам» (1967) кабиъ очерк, поема ва достонлари Ҳ. Ҳакимзода, Ойбек, Ойдин, Ҳамид Олимжон каби устодларнинг ёрқин хотираларига бағишланган. Серқирра ижод эгаси Зулфия Ҳ. Олимжоннинг «Семург», «Зайнаб ва Омон» достонлари асосида пьеса ва опера либреттолар ҳам яратди.

Зулфия «Ўйлар», «Шалола» каби шеърый мажмуалари учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори бўлган. «Сайланма»лари учун Иттифоқ Давлат мукофоти, ҳинд мавзуидаги шеърлари учун Жавоҳарлал Неру номидаги умумҳиндистон соврини, Тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ҳамда тараққийпарвар Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун халқаро «Нилуфар» мукофотларига сазовор бўлган. Айни чоғда Зулфиянинг халдаро дўстлик, тинчлик ва байналмилал руҳида ёзилган бадиий ва публицистик асарлари унинг катта жамоатчилик фаолияти билан қўшилиб кетади. Шоира Ҳиндистон, Югославия, Шри Ланка, Миср, Бирма, Австрия каби мамлакатларда бўлди. Совет хотин-

қизлар комитетининг аъзоси Зулфия 1956 йилда Осиё ва Африка ёзувчиларининг

Дехлида ўтказилган биринчи Конференциясида қатнашиб, катта анжуман хотирасига бағишланган машхур «Мушоира» (1958) асарини яратди.

Унинг шеърлари рус, инглиз, немис, ҳинд, болгар, хитой, араб, форс ва бошқа тилларга таржима қилинган. Шоира Некрасов, Лермонтов, С. Шчепачев, В. Инбер, Леся Украинка, Эди Огнесвет, М. Дилбозий, Амрита Притам асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилди.

Йирик жамоат арбоби, шоира Зулфия — Ўзбекистон Олий Советининг депутаты, Осиё ва Африка мамлакатлари билан алоқа қилувчи совет комитетининг раиси (1962) бўлган.

Хукумат Зулфиянинг самарали ижоди ва актив жамоатчилик фаолиятини Меҳнат Қаҳрамони унвони, Ленин ордени ва уч марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар билан тақдирлади.

У Болгария Халқ Республикасининг биринчи даражали «Кирилл ва Мефодий» ордени билан мукофотланган. Шоира 1975 йилда 60 ёшга тўлиши муносабати билан Халқлар дўстлиги орденини олишга сазовор бўлди. Айти чозда у собиқ Иттифоқ Давлат мукофоти лауреати ва Меҳнат Қаҳрамони ҳамдир

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI
ZULFIYA NOMIDAGI DAVLAT MUKOFOTINI TA'SIS ETISH
BO'YICHA TAKLIFLARNI QO'LLAB-QUVVATLASH TO'G'RISIDA**

Ayolni muqaddas bilish, unga alohida ehtirom ko'rsatish, ozod va obod yurtimiz kelajagi bo'lgan har tomonlama etuk yoshlarni tarbiyalashdagi beqiyos o'rnini yana bir bor e'tirof etish, barkamol, oqila xotin-qizlar avlodini voyaga etkazish, ular orasidagi iqtidorli yoshlarning adabiyot, san'at, fan va madaniyatni rivojlantirishdagi yutuqlari, tengdoshlarining milliy istiqlol g'oyalari va madaniy-ma'naviy qadriyatlarga e'tiqodining yuksalishi yo'lidagi ibratli faoliyati, keng ko'lamli islohotlarni jadallashtirishdagi faol ishtirokini rag'batlantirish maqsadida:

1. O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi, Fanlar akademiyasi, Badiiy akademiya, "Ma'naviyat va ma'rifat" jamoatchilik markazi, Yozuvchilar, Bastakorlar, Me'morlar uyushmalari, "Oltin meros", "Kamolot", "Umid", "Ulug'bek", "Navro'z" jamg'armalari va keng jamoatchilikning Zulfiya nomidagi Davlat mukofotini ta'sis etish bo'yicha takliflari ma'qullansin.

Zulfiya nomidagi Davlat mukofotini Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar vakillariga bittadan har yili Xalqaro xotin-qizlar bayrami arafasida berish maqsadga muvofiq deb topilsin.

2. Belgilab qo'yilsinki:

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti maktab, litsey, kollej va oliy o'quv yurtlarida a'lo xulqi, zukkoligi, donoligi, tashabbuskorligi, o'qishdagi muvaffaqiyatlari bilan alohida iste'dodini namoyon qilib ta'lim olayotgan, istiqlol g'oyalarini amalga oshirish yo'lida astoydil mehnat qilayotgan iqtidorli qizlarga adabiyot, madaniyat, san'at, fan, ta'lim sohalaridagi alohida yutuqlari uchun beriladi;

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti eng kam oylik ish haqining 50 baravari miqdorida tayinlanadi;

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sohibalari bo'lgan maktab, litsey, kollej o'quvchilari tanlagan yo'nalishlari bo'yicha oliy o'quv yurtlariga kirish imtihonlarisiz qabul qilinadilar.

3. Zulfiya nomidagi Davlat mukofotining O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi tomonidan Fanlar akademiyasi, Badiiy akademiya, "Ma'naviyat va ma'rifat" jamoatchilik markazi va boshqa tegishli jamoat tashkilotlari bilan birgalikda ishlab chiqilgan ko'krak nishoni

hamda diplomi namunasi tasdiqlansin.

4. Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti to'g'risidagi Nizom 1-ilovaga, mukofot komissiyasi to'risidagi Nizom 2-ilovaga va komissiya tarkibi 3-ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

5. Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti komissiyasi O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi qoshida jamoatchilik asosida faoliyat ko'rsatishi va unga qo'mita raisi rahbarlik qilishi belgilab qo'yilsin.

6. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi mazkur Davlat mukofoti berish, ko'krak nishoni va diplomini tayyorlash uchun O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasiga davlat byudjetidan tegishli mablag' ajratsin.

7. Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti mukofot komissiyasi keng jamoatchilik fikrini atroflicha o'rganib, talabgorlar faoliyatini har tomonlama muhokama qilib chiqargan xulosalari asosida Vazirlar Mahkamasining Qarori bilan berilishi belgilab qo'yilsin.

8. Mazkur Farmonning bajarilishini nazorat qilish O'zbekiston Respublikasi Bosh Vazirining o'rinbosari zimmasiga yuklatilsin.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti

I.KARIMOV

1999 yil 10 iyun,

PF-2326-son farmon

ZULFIYA NOMIDAGI DAVLAT MUKOFOTI TO'G'RISIDA NIZOM

Mazkur Nizomga O'zR Prezidentining 02.02.2006 y. PF-3717-son Farmoniga muvofiq o'zgartirishlar kiritilgan.

1. O'zbekiston Respublikasining Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti maktab, litsey, kollej va oliy o'quv yurtlarida a'lo xulqi, o'qishdagi muvaffaqiyatlari, ijtimoiy faolligi bilan alohida iste'dodini namoyon qilib ta'lim olayotgan, istiqlol g'oyalarini amalga oshirish yo'lida astoydil mehnat qilayotgan 14 yoshdan 22 yoshgacha bo'lgan iqtidorli qizlarga

adabiyot, madaniyat, san'at, fan, ta'lim sohalaridagi hamda jamoatchilik faoliyatidagi alohida yutuqlari uchun beriladi. (O'zR Prezidentining 02.02.2006 y. PF-3717-son Farmoni tahriridagi xat boshi)

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahrining bittadan vakillariga jami 14 ta beriladi.

2. Zulfiya nomidagi Davlat mukofotiga talabgorning so'nggi ikki yil mobaynidagi ibratli faoliyati, adabiyot, madaniyat, san'at, fan, ta'lim sohalaridagi alohida yutuqlari taqdim etiladi.

Hujjatlarni taqdim etish va rasmiylashtirish tartibi Respublika xotin-qizlar qo'mitasi qoshidagi Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti komissiyasi tomonidan belgilanadi.

3. Zulfiya nomidagi Davlat mukofotiga taqdim etish to'g'risidagi qarorlar vazirliklar, davlat qo'mitalari, mahalliy hokimiyat organlari, ijodiy uyushmalar, jamoat tashkilotlari tomonidan qabul qilinadi.

Ijodiy, ilmiy va ta'lim muassasalari yuqorida qayd etilgan tashkilotlarga Zulfiya nomidagi Davlat mukofotini olishga nomzod ko'rsatish bo'yicha takliflar kiritish, shuningdek, tavsiya etilgan ishlarga doir o'z fikr-muloxazalarini mukofot komissiyasiga ma'lum qilish huquqiga egadirlar.

4. Zulfiya nomidagi Davlat mukofotiga tavsiya etilgan talabgorlar faoliyati va asarlari muhokamasini tashkil qilish, shuningdek, zarur materiallarni o'z vaqtida taqdim etish tegishli vazirliklar, kompaniyalar, ijodiy uyushmalar va boshqa manfaatdor tashkilotlar zimmasiga yuklanadi.

Ko'rsatib o'tilgan talablar bajarilmagan taqdirda komissiya ishlarni ko'rib chiqishni rad etishi mumkin.

5. Zulfiya nomidagi Davlat mukofotlarini berishga doir takliflar to'g'risidagi Qaror komissiya tarkibining kamida uchdan ikki qismi ishtirokida, yashirin ovoz berish orqali ko'pchilik ovoz bilan qabul qilinadi hamda Vazirlar Mahkamasiga taqdim etiladi.

6. Zulfiya nomidagi Davlat mukofotiga sazovor bo'lganlarga tantanali vaziyatda sovrindorlik yorliqlari va nishonlari topshiriladi.

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorining faxriy nishoni ko'krakning o'ng

tomoniga taqiladi.

7. O'zbekiston Respublikasining Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti takroran berilmaydi.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ZULFIYA NOMIDAGI DAVLAT MUKOFOTIGA TAQDIM ETISH
YO'RIQNOMASI

1. Zulfiya nomidagi Davlat mukofotiga tavsiya etiladigan nomzodlarga qo'yiladigan talablar:

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti maktab, litsey, kollej va oliy ukuv yurtlarida ta'lim olayotgan, a'lo xulqi, oliyjanob insoniy fazilatlari, zukkoligi, donoligi, tashabbuskorligi, o'qishdagi muvaffaqiyatlari, yorqin iste'dodini namoyish qilishi bilan birga istiqlol g'oyalarini amalga oshirish yo'lida fidokorona mehnat qilayotgan 14 yoshdan 22 yoshgacha bo'lgan iqtidorli qizlarga adabiyot, san'at, madaniyat, fan va ta'lim sohalarida erishgan katta yutuqlari uchun beriladi.

Zulfiya nomidagi Davlat mukofotiga talabgorlar o'zining vatanparvarligi, siyosiy-ijtimoiy va ma'naviy etukligi (Prezident asarlari, mamlakatning ichki va tashqi siyosati haqida, istiqlol mafkurasi asosida erkin fikr yurita bilishi), Vatanimiz tarixi, milliy allomalarimiz va jahon madaniyati merosini yaxshi egallaganligi bilan ajralib turishi lozim.

2. Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti nomzodlarining asarlariga qo'yiladigan umumiy talablar:

- Nomzodning ilmiy-ijodiy ishlari o'zining yangiligi, ilmiy-amaliy ahamiyati, badiiy qimmatini bilan alohida ajralib turishi, xalqimiz ma'naviyatini yuksaltirish, Mustaqillik g'oyalarini amalga oshirish, jamiyatimizda olib borilayotgan ijtimoiy, iqtisodiy, madaniy va ma'rifiy islohotlar mohiyatini ochish, mamlakatimizdagi ijtimoiy va madaniy hayotni yanada yaxshilash masalalarini hal etishga qaratilgan bo'lishi lozim;

- tavsiya etilayotgan ishlarni baholashda ularning Vatanimiz yoki chet ellarda chop etilganligi, etakchi mutaxassislar tomonidan yuqori baholanganligi, jamoatchilik tomonidan e'tirof etilganligi inobatga olinishi lozim. Shuningdek, nomzodlar tanlagan

sohalarida Respublika hamda xalqaro miqyosdagi tanlovlar va tadbirlarda yutuqlarni qo'lga kiritgan bo'lishi lozim. Shu jumladan:

Adabiyot sohasida:

- barcha janrlar bo'yicha mukofotga tavsiya etilayotgan asarlar g'oyaviy- badiiy jihatdan yuksak bo'lishi, muallif dunyoqarashining o'ziga xosligi, bugungi voqelikda ro'y berayotgan ulkan ijobiy o'zgarishlarni tasdiqlashga qaratilganligi, shuningdek, original badiiy-estetik izlanishlari bilan ajralib turishi kerak.

- nomzodning ijod namunalari jamoatchilik va mutaxassislar tomonidan e'tirof etilgan, kitoblari nashr qilingan va ijodiy yutuqlari yuqori darajada bo'lishi lozim.

San'at sohasida:

nomzodning badiiy, ilmiy, ijodiy asari (rassom, haykaltarosh, amaliy bezak ustasi, dizayner, bastakor yaratgan badiiy asar, san'atshunos, me'morchilik loyihasi, aktyor yaratgan rollar, nomerlar, teleko'rsatuv, radioeshittirishlar va x. k.) dolzarb muammoga bag'ishlangan yuksak mahorat bilan ijro etilgan, tanlangan sohada yangilik kashf etish darajasida bo'lishi hamda qadriyatlarni mustahkamlanishiga xizmat qilishi kerak;

badiiy asar, ijrochilik, kino, teatr, tomosha, raqs sohasidagi ishlar yoki san'atshunoslik ilmiy ishlarini baholashda ularning Vatanimiz yoki chet ellarda chop etilganligi, ko'rgazmalarda namoyish etilganligi, o'zbek va jahon xalqlarining tarixiy obrazlarini betakror mahorat bilan ijro etilganligi inobatga olinishi lozim. Shuningdek, amaliyotchi ijodkorlardan 2 ta taqriz (sohasiga qarab) bo'lishi lozim. Taqrizda mukofotga qo'yilgan asarning amaliy ahamiyati, yangiligi va dolzarbligi o'z aksini topishi kerak.

Jumladan:

Teatr, kino va televidenie uchun yaratilgan asarlar sohasida:

barcha janrlarda yaratilgan asarlar, ijro etilgan rollar yuksak badiiy darajada yaratilishi, mustaqillik g'oyalarini aks ettirishi, yoshlarni Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalashga xizmat qilishi hamda jamoatchilik e'tirofiga sazovor bo'lishi lozim.

Tasviriy, amaliy, bezak, dizayn va me'morchilik san'ati sohasida:

san'atning hamma turlari va janrlari b'yicha mukofotga tavsiya etilayotgan asar g'oyaviy- badiiy jihatdan etuk bo'lishi, muallif dunyoqarashining o'ziga xosligi, uning voqelikka original badiiy estetik munosabati bilan ajralib turishi kerak.

San'atshunoslik bo'yicha:

san'at tarixi, nazariyasi va badiiy tanqidchilik borasidagi tavsiya etilgan asarlar, teleradiostsenariylar, ijod yoki san'at turlari va janrlarining biror bir sohasining etuk asarlari bo'lishi lozim.

Professional bastakorlik mahorati bo'yicha:

kichik kamer asarlar, vokal, yirik simfonik asarlar, zamonaviy estrada qo'shiqlari, kino yoki teatr uchun yozilgan musiqa, bolalar uchun qo'shiqlar taqdim etilishi mumkin. Ular klavir yoki partitura notalari va video tasmlarga olingan holatda komissiyaga takdim etiladi.

Professional kontsert ijrochiligi bo'yicha:

milliy-an'anaviy qo'shiqchilik mahorati;

milliy zamonaviy estrada qo'shiqchiligi mahorati;

milliy cholg'ularda (nay, dutor, rubob, doira, chang va h.k.) professional ijrochilik mahorati;

g'arb cholg'ularida (pionino, skripka, alt, violonchel, fleyta) g'arb klassik va zamonaviy o'zbek kompozitorlarining asarlarini ijro etish mahorati;

Fan sohasida:

takdim etilayotgan ish zamonaviy, ilmiy muammolarni hal etishga bag'ishlangan yoki xalqimizning ma'naviy merosini o'rganishga qaratilgan yangilik, kashfiyot, ilmiy ishlanma yoki ilmiy asar bo'lishi shart;

ishchi guruhi ikkinchi bosqichda tanlangan ilmiy ishlarga uchta etakchi mutaxassis-olimlarning taqrizlarini oladi;

ishning dolzarbligiga oid quyidagi ko'rsatkichlar o'z aksini topgan bo'lishi lozim;

ilmiy kashfiyot, ishlanma yoki maqolaning nazariy qimmati;

asarning amaliy ahamiyati;

ishlanmaning patentlashga layoqatliligi;

ishlanmaning iqtisodiy samara berishi, ilmiy asoslanganligi;

san'atshunoslik yoki adabiyotshunoslik sohasidagi ilmiy ishlar;

kutubxonachilik sohasidagi ilmiy ishlar.

Ta'lim sohasida:

a'lo xulqi, ma'naviy go'zalligi va o'quv jarayonidagi ko'rsatkichlari bilan barcha pedagogik jamoa hamda ota-onalar o'rtasida hurmat-e'tibor qozongan; ta'lim, adabiyot va san'at sohasida alohida iste'dodini namoyon qilgan (turli ko'rik-tanlovlar, viloyat, respublika va xalqaro fan olimpiadalaridagi ishtiroki, ta'lim berish bo'yicha yangicha izlanishlari...)

ma'naviy axloqiy jihatdan pok, vatanparvar, yuqori madaniy va ma'rifiy saviyaga ega bo'lgan, milliy urf-odatlarimiz va qadriyatlarimizni e'zozlagan, tariximizni esa yaxshi bilgan;

“O'zbekiston-Vatanim manim” g'oyasini madh etuvchi, bunyodkor, mehnatkash xalqimizni ulug'lovchi, insonlar qalbida muqaddas Vatan tuprog'ini asrab avaylash, zarur bo'lsa jon fido qilishga undovchi g'oyalarni amalga oshirishda o'zining munosib hissasini qo'shib kelayotgan; zukkoligi, donoligi, tashabbuskorligi hamda iste'dodini yana boshqa bir yo'nalish bo'yicha ko'rsata olgan bo'lishi lozim.

Madaniyat sohasida:

Mustaqillik mafkurasini, istiqloq g'oyalarini jamoatchilik o'rtasida targ'ib qilish va amalga oshirish yo'lidagi astoydil mehnatlari, eliga, yurtiga sadoqati;

ommaviy sayl, festival va boshqa tadbirlar stsenariylarini ishlab chiqqanligi, madaniyat va istirohat bog'larida o'tkaziladigan tadbirlarni yuqori saviyada tashkil etganligi;

jurnalistika bo'yicha maqolalari, she'r yoki hikoyalari respublika, viloyat matbuotida bosilganligi;

xalq ijodiyoti va hunarmandchiligi madaniyatini rivojlantirish yo'lida astoydil mehnat qilayotgani inobatga olinadi;

sport sohasining rivojlanishiga, yoshlar o'rtasida sog'lom turmush tarzini targ'ib etishga munosib hissa qo'shib kelayotgan, sport sohasida qator yutuqlarga erishgan qizlar tavsiya etiladi.

3. Tanlov o'tkazish bosqichlari:

1 bosqich (sentyabr)

Maktablarda, litsey va kollejlarda, oliy o'quv yurtlarida o'tkazilib, o'quv muassasasi pedagogika kengashlarining tavsiyasiga binoan, nomzodlarning ishlari tuman, shahar komissiyalariga taqdim etiladi;

Tuman-shaharlarda mavjud ommaviy axborot vositalarida nomzodlar, ularning faoliyati, erishgan yutuqlari yoritib boriladi;

2 bosqich (oktyabr-noyabr)

viloyat xalq ta'limi boshqarmasi, o'rta maxsus boshqarmalari, oliy o'quv yurti, ilmiy tadqiqot muassasalari ilmiy kengashlari va viloyat boshqarmalari hamda tuman-shahar komissiyalari tavsiyalari asosida nomzodlarning ishlari viloyat komissiyasida ko'rib chiqiladi;

viloyat ommaviy axborot vositalarida nomzodlar, ularning faoliyati, erishgan yutuqlari yoritib boriladi;

nomzodlarning ishlari viloyat komissiyalarida ko'rib chiqiladi va har bir yo'nalish bo'yicha (zahirasi bilan) nomzod tanlab olinib, Respublika komissiyasiga taqdim etiladi.

3 bosqich (dekabr-yanvar)

Respublika komissiyasi Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahridan taqdim etilgan nomzodlarning ishlarini ko'rib chiqadi;

Respublika ommaviy axborot vositalarida nomzodlar, ularning faoliyati, erishgan yutuqlari yoritilib boriladi;

Respublika komissiyasi Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahridan nomzodlarni tanlab oladi va o'rnatilgan tartibda tegishli tashkilotga tavsiya etadi.

4. Xujjatlarni taqdim etish va rasmiylashtirish tartibi:

Adabiy-badiiy, ilmiy ishlar to'plamlari, 50 sahifagacha bo'lgan hajmda, tasviriy san'at asarlari shu asarlardan olingan fotosuratlar shaklida, musiqa va ijrochilik ishlari esa 20 minutdan kam bo'lmagan hamda audio yoki video tasmalarga yozilgan holda taqdim etiladi;

xorijiy tillarda chop etilgan asarlar o'zbek tiliga tarjima qilingan holda ko'rib chiqiladi; har bir ish Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar komissiyalarining Qarori, yo'nalish bo'yicha Ishchi guruh xulosalari va Qarori hamda rahbar tashkilotlar taqdimnomasi bilan yuboriladi. Qarorda muallifning ismi, familiyasi va otasining ismi, agar bo'lsa, adabiy taxallusi, asarning nomi, qisqacha bayoni, keng jamoatchilik tomonidan e'tirof etilganligi haqidagi ma'lumotlar, mukofotga taqdim etish asoslari, muhokama qatnashchilarining xulosalari ko'rsatilishi va Qarorga matbuotda e'lon qilingan taqrizlar ilova qilingan bo'lishi kerak;

nomzodni tavsiya etayotgan o'quv muassasasi yoki tashkilotning Qarori raislik qiluvchi va kotib tomonidan imzolangan bo'lib, rahbar tashkilot muhri bilan tasdiqlanadi;

Shuningdek, Respublika komissiyasiga quyidagi hujjatlar ham taqdim etiladi:

nomzodning shaxsiy varaqasi, tarjimai holi, 12x9 (3x4) o'lchamdagi fotosuratlari va o'z faoliyati davomida olgan rag'batnomalari nusxalari va ro'yxati;
o'qish joyidan berilgan, mazkur tashkilot rahbari tomonidan imzolangan, muhr bilan tasdiqlangan ijodiy va ijtimoiy-siyosiy tavsifnoma, tavsiyanomalar va taqdimnomalar;
asar haqida matbuotda e'lon qilingan taqriz va bildirilgan fikrnomalar va (lozim bo'lganda) boshqa tegishli hujjatlar.

5. Sovrindorlar ruyxati ommaviy axborot vositalarida e'lon qilinadi. Ularga mukofotlanganlik haqidagi Diplom, ko'krak nishoni Xalqaro xotin-qizlar kuni bayrami arafasida tantanali vaziyatda topshiriladi. Bir marta beriladigan pul mukofoti Qaror e'lon qilingandan so'ng bir oy muddat ichida beriladi.

6. Respublika komissiyasiga tavsiya etiladigan ishlar

Quyidagi manzilga jo'natilishi kerak: 100078, Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 30-uy, O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi qoshidagi Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti komissiyasi.



Наим Каримов
ЗУЛФИЯ ОПА ҲАҚИДА

Тошкентдаги Дегрез ва Ўқчи маҳаллалари Ўзбекистонда ишчилар синфининг майдонга келишида бешик вазифасини адо этган. Карийб юз йилдан бери шу ерда пўлат қуйиб, чўян эритиб, турли-туман хўжалик асбобларини ясаганлар. Тунука сурнайдан тортиб кўрғошин тўппончагача, қилич-қалқондан тортиб қозон ва омочгача — ҳамма нарса шу ерда тайёрланган.

Ана шу маҳаллада истиқомат қилган Муслим дегрезни 1917 йилдаги инқилобий воқеаларга қадар бутун Тошкент билган ва ҳурмат қилган, десак муболаға бўлмас. Муслим дегрезнинг ҳовлисида катта дошқозон бўлиб, унда ҳар икки ҳафтада пўлат ё чўян эритилар, улар турли шаклларга қуйилар, сўнг қозон ё омоч шаклини олиб, ўнлаб хонадонларга кириб борар эди. Пўлат ва чўян эритиладиган кун, худди байрамдагидек; шўх шанлик ва хандонлик билан ўтарди.

Шундай кунларда Муслим дегрезнинг ёнида унинг беш нафар ўғли ҳам турарди. Унинг фарзандлари ҳам ота касбини эгаллаган, дегрезлик

хунарига ихлос кўйган кишилар бўлишган.

Муслим дегрезнинг бешта фарзандидан бири Исроил дегрез эди.

Исроил дегрез етти фарзанд кўрди ва фарзандларининг энг кенжасини Зулфия деб атади.

Зулфиянинг болалик чоғлари ана шу иш муҳотида, пўлат тафти анқиган хонадонда кечди. Унинг наздида, отаси шундай моҳир дегрез эдики, у хатто пўлатдан кўғирчоқ ҳам қуйиб қўйиши мумкиндек эди. У дошқозон атрофида безовта юрган отасининг ортидан эргашиб, «Дада, менга кўғирчоқ ясаб беринг!» деб илтимос қилгани қилган эди. Озгингина, қорачадан келган, чайир танли отаси эриган пўлатнинг учқунларини сачратиб, турли асбоб-анжомлар ясар экан, халқ эртакларидаги паҳлавонлардек туюларди унга.

Ҳар бир касб-хунар кишиларининг ўзига хос фазилатлари бўлади.

Дегрезлар одатда камгап, темир иродали, чайир кишилар бўлишган.

Исроил дегрезда бу фазилатлардан бошқа сифатлар ҳам йўқ эмас эди. У ўз хунарига астойдил берилган, тийран нигоҳли, илғор қарашли кишилардан эди. У фарзандларини ҳалол, меҳнатсевар кишилар қилиб тарбиялади. Катта ўғли Исмоил Москвадаги олий ўқув юртлирининг бирида таҳсил олгач, партия идораларида масъул лавозимларда хизмат қилди. Қодир нафақага чиққунига қадар ота касбини давом эттириб, заводда пўлат қуйди. Нормат Исроилов эса 30-йилларда танилган ҳалол партия ходимларидан бири эди. Зулфия дастлабки ҳаёт сабоқларини анна шу ота-онаси ва акаларидан олди.

Қиш оқшомларида бутун оила сандал атрофида тўпланар ва Хадича хола катта рўмолни аста очиб, унинг ичидаги бирор халқ китоби ёки баёзни варақлаб, шеър ёки жангномани ўқирди. Зулфия Навоий, Бедил, Фузулий шеърларини биринчи марта онасидан эшитган эди.

“Мўъжизалар яратишга қодир, жаҳонни кўзга кенг очувчи, инсонни гўзаллик сари еткловчи Сўз»га муҳаббат туйғусини Зулфияда остона хатлаб кўчага чиқмаган оддий аёл” – ана шу онаси уйғотган эди.

Шу тарзда ҳаёт дорилфунуни билан таниша бошлаган Зулфия бошлангич маълумотни олгач, 1931 йили Ўқчи маҳалласидаги хотин-қизлар билим юртига ўқишга кирди. Зулфия шу даврда, бошқа дугоналари қатори, ўқитувчи бўлишга аҳд қилган эди. Лекин у «донолик ва билимнинг сира туганмас қонлари» — Навоий ва Ҳофиз, Пушкин ва Байрон асарлари билан танишар экан, ўзи ..ҳам “қандайдир жуфтланган, оҳангдош сатрлар”ни тўқий бошлаганини сизди. У шеър ёза бошлади. Шу йилларда билим юртида Шукур Саъдулла ва Тошпўлат Саъдий бошлиқ адабиёт

тўгараги иш олиб борар, қизлар улар туфайли мумтоз ва замондош шоирларнинг асарлари билан танишар, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун ва бошқа шоирлар эса билим юртига келиб, улар билан учрашув кечаларини ўтказишар эдилар. Ҳамид Олимжон билим юртидаги шундай кечаларда қизлар билан суҳбатлашиб, уларни мумтоз ва шўро адабиёти намуналарини ўқишга чорларди. Зулфия шундай учрашув кечаларида бутун вужуди қулоқда айланиб, таниқли ўзбек шоирларининг шеърларини завқ билан тингларди.

Орадан кўп ўтмай, шеърятга ихлос қўйган қизлар Ёзувчилар уюшмасига бориб, Ҳамид Олимжон ва Уйғун бошқарган семинар машғулотларида ҳам қатнаша бошладилар.

Зулфия тинимсиз китоб ўқир, кечалари ҳаммадан яширинган ва яширган ҳолда шеър машқ қиларди. Ниҳоят, у ўз машқларини тўғарак раҳбарларига кўрсатишга ботинди. Унинг «Мен иш қизи» деб номланган биринчи шеъри 1931 йил 17 июль куни Шукур Саъдулла воситасида «Ишчи» газетасида босилди.

Зулфия шеъри босилиб чиққанидан беҳад даражада қувонган Нормат ака бир даста газетани сотиб олиб, уни ҳаммага кўз-кўз қилиб чиқди. Унинг бундай қувончга берилиши Зулфияга илҳом бағишлади. Унинг шеърлари «Ёш ленинчи» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталарида, «Янги йўл» ва «Ўзбекистон шўро адабиёти» журналларида чоп этила бошлади. 1932 йилда эса Зулфиянинг биринчи шеърлар тўплами — «Ҳаёт варақлари» матбуот юзини кўрди.

Бу шеърлар Ҳамид Олимжоннинг ҳам назарига тушди.

“Мен, — деб ёзади Зулфия, — Ҳамид Олимжонни илк дафъа ўша йилда кўрганман. Биз, йигирма чоғли адабиёт ихлосмандлари, семинар машғулотларига йиғилардик. Машғулотларни Ҳамид Олимжон билан Уйғун бошқарарди. Уларнинг ўша пайтдаги фағат ўзига ишонадиган кишидагина бўладиган босиқ, махрур, кучли қиёфалари мени ҳозиргача ғайратга солади. Улар ўзларини ниҳоятда эркин тутарди...

...Яшириб ўтирмайман. Ҳамид Олимжон илк кўришувларданок кўзимдан кўнглимга ўтди. Мен жуда ёш ҳиссиётим билан унинг кенг қалби, улкан иқтидорини туйдим”.

1934 йил эди. Ҳозирги “Мустақиллик” метро бекати олдидаги майдончада Ҳамид Олимжон Зулфияни учратиб қолади. Улар шу вақтга қадар фақат адабий кечалар туфайлигина бир-бирлари билан таниш эдилар. Ҳамид Олимжон тасодифий учрашувдан мамнун бўлиб, Зулфия билан узоқ суҳбатлашади.

— Шеърингизни ўқидим, — дейди у ошкора меҳр билан. — Яхши.

Нималигини айтайми? Шеърда қалбингизнинг сурати бор. Бир парчагина бўлса ҳам. У ўзингизнинг қалбингиз. Худди шундай давом эттириш керак. Риторикасиз, ҳақиқатни ёзиш зарур...

Зулфия ўша пайтда «риторика» сўзини ғира-шира англарди. Лекин у бу ҳақда индамай қўя қолади.

“Ўшанда, — деб ёзади шоира, — мен уйимизга юриб эмас, учиб келдим. Келибоқ йўл бўйи туғилган туйғуларимни қоғозга туширдим. Мен бу шеърни шундай енгил, тўлиб-тошиб ёздимки, юрагимга аллақандай афсонавий бир қудрат кириб олиб, фикрларим, қўлларимга куч бахш этаётгандай эди. (Бу “Баҳор кечаси” деб аталган шеърим бўлса керак.)”

Мазкур кутилмаган учрашув Светлана Сомованинг «Шоир ҳақида дoston» асарида ўзининг бундай тасвирини топган:

*...Ҳали булар бир-бирин топиб,
Жамолларин кўргунча аён,
Шеърлари газеталарнинг
Бетларида турди ёнма-ён.
Шеър очди муҳаббатга йўл,
Аён қилди қалб оташин ҳам.
Гуё улар беришгандек қўл,
Юракларни уришин шу дам -
Сезгандилар сатрма-сатр,
Бўлгандилар мафтуну асир.
Кўзларига чўкди ўйчанлик,
Қандайдир дард, муштоқлик изи.
Висол учун бўлган ташналик
Бир-бировин кўргунча юзин.
Шеърдаги содда, самимий,
Ҳар бир сўзда топгандек аксин,
Бир кун оқшом пайти иккиси –
Ногаҳоний кўришган бир зум
Шодлик, дардни кўринг деб бирга
Мухр босди улар умрига.*

(Шукрулло таржимаси)

Ўша тасодифий учрашувнинг бундай шоирона талқин этилиши ҳам, Зулфиянинг ўша унутилмас оқшом соатларида «Баҳор кечаси» шеърини ёзиши ҳам бежиз эмас. Ҳамид Олимжон билан Зулфия ўртасидаги

дўстлик ва муҳаббат саройининг муҳташам биносига худди ўша куни биринчи ғишт кўйилган эди.

Зулфия шу учрашувдан кейин Ҳамид Олимжон тўғрисида тез-тез ўйлайдиган, Ҳамид Олимжон эса ёш шоиранинг шеърларини диққат билан кузатадиган бўлди.

Кўп ўтмай, Зулфия билим юртини тугатиб, 1935 йилда Ўзбекистон Фанлар комитети қошидаги Тил ва адабиёт институтининг аспирантурасига ўқишга кирди. Бу ерда у бўлажак таниқли олимлар — Солиҳ Муталлибов, Фулом Каримов, Аюб Ғуломов кабилар билан бирга адабий-назарий билимини оширди.

Шу йилларда Тил ва адабиёт институтида Ҳамид Олимжон ҳам хизмат қиларди. У Зулфия билан учрашган кезларида унинг ижоди билан кизиқар, унга турли маслаҳатлар берарди. Ҳар бир учрашув уларни тобора яқинлаштирар ва бир-бирларининг қалбига муҳаббат уруғларини соча бошлар эди.

1935 йил улар ҳаётига энг бахтли сана сифатида кириб келди. Шу йилнинг 23 июль куни тақдир икки шоирнинг ҳаёт ришталарини бутун умрга бир-бири билан боғлаб ташлади. Шу даврда Ҳамид Олимжон 26 яшар қирчиллама йигит бўлиб, бешта шеърлар ва ҳикоялар китоби муаллифи, таниқли шоир, тиришқоқ олим, ёш шоирлар учун эса устоз сифатида эл оғзига тушган эди. У Зулфия учун турмуш ўртоғи ва дўстгина эмас, балки унинг ижодий тақдирида мислсиз аҳамиятга молик сиймо ҳам бўлди.

“1935 йилда тўйимиз бўлди, — деб ёзади Зулфия. – Мен яйраб яшардим. Инсон чинакам севиб, севилганда атрофидаги барча қийинчиликлар ушоқ бўлиб кўринади. Тўрт фасл ҳам баҳор бўлиб кўринади. Мен ўша пайтда шундай руҳда эдим».

Зулфия ҳали ёш экан, Хадича хола ўзи ипак қурти боқиб, пилладан толалар ажратиб, ундан олган ипакни турли-туман рангларга бўяб, инсон кўзини қамаштирадиган палак тиккан эди. Шу палак Хадича холанинг келин-куёвга атаган тўёнаси бўлди. Ҳамид Олимжон наздида, палак улар хонадонига қандайдир ўзгача файз бағишлагандек эди. Хадича холанинг тўёнасидан ҳам суюқли ёр билан қовушганидан чексиз қувончларга тўлган шоир ўзини бахт ва саодат осмонида ҳис зтди. Ана шу онлардан бошлаб севги ва муҳаббат атри уфуриб турган ошёнда ярим тунга қадар шеъриятнинг қўш чироғи ўчмайдиган бўлди.

Тўй арафасида икки ёшнинг бир-бирига туйган майлидан огоҳ бўлган шоиранинг акаси Нормат ака бўлажак куёв билан танишиш иштиёқини

билдирган эди. Кунларнинг бирида у Зулфия орқали Ҳамид Олимжонни ўша пайтда М.Горький номи билан аталган Маданият ва истироҳат боғига, концертга таклиф этди. Улар боғнинг панжарали дарвозаси олдида учрашар эканлар, Ҳамид Олимжон билан Нормат Исроилов эски кадрдонлардек қуюқ кўриша кетдилар. Маълум бўлишича, Ҳамид Олимжон Тошкентга кўчиб келиб, Обсерватория кўчасидаги уйни ўз номига расмийлаштирганда, тасодиф амри билан бўлажак қайин ога унга ёрдам берган экан.

Орадан ҳийла вақт ўтиб, тўй шабадаси эсиб қолганида, Нормат Исроилов Зулфияга мурожаат этиб, «Синглим, ўша пайтда мен Ҳамиджон учунгина эмас, ўзимиз учун ҳам ҳаракат этган эканман», — деган эди.

Одатда тўй мураккаб ва машаққатли жараённинг натижаси бўлади. Одам Атодан қолган урф-одат ва расм-русмлар келин билан куёвнинг, улар ота-оналарининг елкаларига залворли юк бўлиб тушади.

Ҳамид Олимжон билан Зулфиянинг тўйи ўзгача ўтди. Шоирнинг ўша кезлардаги дўстларидан бири совчи бўлиб борди. Олди-берди, умуман, бўлмади. Хадича хола фақат бир нарса — куёвнинг онаси бор-йўқлиги билангина қизиқди, холос.

Комила хола шу даврга қадар Жиззахда истиқомат қиларди. У тўй баҳонаси билан Тошкентга келди ва бир умрга шу ерда, Ҳамид Олимжоннинг бағрида яшаб қолди.

Тўйдан кейин ўн кун ўтар-ўтмас, келин билан куёв Оқтошга бориб, бокира табиат оғушида «асал ойи»ни ўтказдилар. Ҳамид Олимжон «Бир ёнда тоғ, бир ёнда боғ» қад кўтарган ерда болалик кезларини эслаб, яйраб хордиқ чиқарди. Тоғ-тошларига урила-урила сачраб ва нукра кукунлар ҳосил қилиб оқаётган муздек сувда балиқ каби сузди.

Сув оқарди,
Кўйнида
Кўкрак кериб,
Балиқ каби
Шўнғиб ётарди.

(“Болалик”)

Ҳамид Олимжон қанчалик улғайиб, шоир ва жамоат арбоби сифатида эл-юртга танилган бўлмасин, бу мисраларда тасвирланган шўх ва қувноқ болалик унинг табиатини тарқ этмади. У табиат билан юзма-юз қолганида, ҳамиша ўзини унинг эрка фарзанди, деб ҳис этди. У Зулфия билан бирга бўлган вақтларда ҳам ўзини шўхликка, хушнудликка,

жўшқинликка ташна боладек тутди.

Ҳамид Олимжон Самарқандда танишган ва қадрдонлашган кишиларидан бири Ойдин Собирова эди. Улар педакадемияда бирга таълим олишган, ўша ерда бир-бирларига ҳурмат туйган эдилар. Улар ўртасидаги дўстлик ришталари Тошкентда ҳам узилмади. Ойдин опанинг Ўқитувчилар кўчасидаги уйида Ҳамид Олимжон, Зулфия, Уйғун, Фафур Ғулом тез-тез йиғилишиб турардилар. Шундай пайтларда шеърият, аския, хотирот шалолалари оққанида Ойдин опанинг кичкинагина уйи торлик қилиб қоларди.

Дўстлар Янги, 1936 йилни ҳам шу ерда кутиб олишди. Ташқарида қалин қор оқ-оппоқ гилам ўлароқ тўшалган эди. Ҳамид Олимжоннинг болалиги тутиб, Зулфияни кўчага, чена учишга таклиф этди. Ченанинг йўқлиги шоир раъйини қайтара олмади. У пальтосининг бағрини Зулфияга тутқазиб, серқор кўча бўйлаб қийқириб, хандон отиб, уни тортди.

Зулфия шоир билан бирга кечган ана шу бахтли йилларда ҳар қандай истеъдод доимий меҳнат туфайли чархланиб бориши, Ҳақиқий санъаткор буюк меҳнат интизомига эга бўлиши лозимлигини кўрди. Ҳамид Олимжон ҳар қандай шароитда ҳам эрта билан соат 6 дан 11 га қадар уйда ижод билан шуғулланар, сўнг ҳали сиёҳи қуримаган асарини овоз чиқариб ўқир ва унинг қандай жаранглашини текшириб кўрар эди. Зулфия ўзининг ҳар бир шеърини унинг назаридан ўтказар, аммо Ҳамид Олимжон бу шеърларга қалам урмас, балки улардаги кучли ва кучсиз сатрларини кўрсатар, тушунтирар эди.

«Иккинчи китобни ёзаётганимда, — деб ёзади шоира, — бир куни Ҳамид Олимжондан шундай деб сўраганим эсимда: «Нима учун мен ёзган шеърларнинг ҳеч поёни бўлмайдими? Қайси бандда тўхтамасин, яна давом эттирса бўлаверади-я!» У кулиб туриб, бундай деган эди: «Чунки сиз ҳар бир шеърингизда биратўла ҳамма гапни айтиб олмоқчи бўласиз, ваҳоланки, бундай қилиш ярамайди. Кейин, биласизми, шеърни охиридан бошлаб ёзиш керак»... Унинг маслаҳати нақадар нозик ва аниқлигини кейинчалик ўзимда назмхонлик қилиш эмас, балки бирон муҳим ва юрагимда туҳилиб қолган фикрни баён қилиш зарурати етилгач, тушундим».

Зулфия Ҳамид Олимжон билан бўлган шундай суҳбатлардан кейин шеър ёзган, шеърлари босилиб чиққан ҳар қандай киши ҳам шоир бўла олмаслигини, шоир бўлиш учун эса дунёни ўзгача кўриш ва идрок этиш зарурлигини тушунди.

Улкан шоир, нодир инсоний фазилатлар соҳиби Ҳамид Олимжон

Зулфияга, ҳамма нарсада ўрнатилган бўлди. Зулфия улкан шоирдан фикрлаш, меҳнат қилиш ва шеър ёзишни ҳам, дўстларга меҳрибон, душманга эса шафқатсиз бўлишни ҳам ўрганди, унинг ижод мактабида таълим олди. Ҳамид Олимжон шу маънода Зулфия қалбига уйғун ҳамроҳ ва сезгир маслаҳатчи бўлди.

Илҳом тулпори жавлон урган шоир ёзув столи ёнига келиб ўтириши биланок шеър дарёси оқиб келарди. Ҳали қалбида шеърят булоғи очилмаган ёш шоира эса бу ҳолатдан ҳайратга тушиб, Ҳамид Олимжондан илҳом тулпорининг қачон жиринглаб келиши ва шеърни қандай ёзиш сирларини билмоқчи бўларди.

«Мен ўша пайтларда: «Столга ўтирди дегунча ёзаверди. Қайдан бу куч, илҳом?» деб таажжубланардим. Энди билсам, жаҳон, рус ва ўзбек мумтоз, замонавий адабиётини ўқиш, ўқибгина қолмай, уларни таҳлил қилиш, фикрларини ён дафтарига ёзиб қўйиш, халқ оғзаки ижоди билан астойдил шуғулланиш – бу машғулотларнинг бари шоир ижоди учун доимий озиқ бўлиб турган экан. Ҳамид Олимжон шунча ишлар орасида менга ҳам астойдил ёрдам берар эди. Ёшман, баъзан менга сонсиз китоблар, қоғозлар ичида кўмилиб ўтириш ёқимли туюлмасди. Бундай пайтларда у мени илҳомлантириш йўлларини топарди. Эсимда, бир гал Самарқанд сафаридан ўзи билан Раъно Узоқованинг шеърларини олиб келди. Таъсирчан жойларини ўша кечадаёқ ўқиб берди. Сўнг: «Кўряпсизми, аёлларимиз қандай ёза олади? Фақат жасорат, ирода керак, — деди-да, секингина қўшиб қўйди. – Биласизми, сиз яхшироқ ёза оласиз!» Бу суҳбат менга катта туртки бўлди».

Зулфия Ҳамид Олимжон таъсирида ўзбек, жаҳон ва рус мумтоз шоирларининг шеърларини мутолаа қилди. Уни, хусусан, Пушкин, Тютчев, Фетнинг мусиқий раво мисралари, айниқса, ром этди. У, агар марҳум адабиётшунос Адҳам Акбаровнинг сўзлари чин бўлса, эрта тонгда туриб, Афанасий Фетнинг «Салом билан келдим сенинг ёнингга...» шеърини ўқиш билан севимли ёрини уйғотадиган бўлди. Ўша кунларда Зулфия қуёшнинг илк нурлари билан турибоқ Фетнинг ушбу сеҳрли мисраларини рус тилида баланд овоз билан ўқир ва унинг кўнғироқдек янграқ ва ёқимли овози дилнавоз тонг отганлигини англаётган эди.

*Я пришел к тебе с приветом,
Рассказать, что солнце встало,
Что оно горячим светом
По листам затрепетало.*

***Рассказать, что с той же страстью,
Как вчера я пришел снова.
Что душа все так же счастью
И тебе служить готова...***

Бу мисралар гарчанд Фет қаламига мансуб эса-да, улар Зулфия қалбининг ўша кезлардаги замзамалари, жилвалари, тебранишларини ифода этар ва унинг қалб овозидек янграр эди. Яна эътибор беринг:

***...Кечагидек келдим ёнингга,
Ўша ҳис ва ўша эҳтирос —
Билан қалбим бахтга ва сенга
Хизмат қилай дегани ҳам рост...
(Таржима бизники – Н.К.)***

Орадан бир неча йиллар ўтиб, бахт осмони қоп-қора қуюн билан қуршалган кезларда Зулфия шеърларидан чинқириб отилган садо ана шу мисраларда ифодаланган чинни туйғуларнинг чил-чил синиши эмасмикан?!

Барча бахтиёр кишилар бир-бирларига ўхшайдилар. Бахтиёр инсон дилнавоз ошиқ ёки маъшуқага ўз қалбининг биллур туйғуларини нисор этади. Зулфия ҳам, Ҳамид Олимжон ҳам ўша чароғон йилларда қалб қрини, меҳ-муҳаббат тафтини бир-бирларидан сира фориг тутмадилар.

Бу, икки шоирнинг ўзаро ҳрмат ва муҳаббатга асосланган эркин иттифоқи эди.

Шу даврда Зулфия ижоди баҳор чоғларидаги чўққилардан эндигина пайдо бўлаётган кичик бир жилға эди. Кунлар, ойлар ва йиллар ўтиб, бу жилғанинг дарёга айланиши муқаррар эди.

Жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасини қамраб олган инқилоб 20-йиллар ўзбек шеъриятида ҳам тўнтариш ясади. Анъанавий аруз вазни ўрнига инқилобий маршлар оҳангига жўр бўлиб, бармоқ вазни кириб келди. Бу ҳол инқилобий давр талаблари асосида рўй берди. 20-йиллар охири — 30-йилларнинг бошларида эса “эркин шеър” тушунчаси пайдо бўлди. Шеърият инқилобий кураш куралига айланди. Ўзбек шеъриятининг сиёсий-ижтимоий жаранги, тарғиботчилик йўналиши бениҳоя кучайди. Ҳамид Олимжон 1930-1931 йиллардаги шеърий тажрибаларидан сўнг эркин вазнга бошқа қайтмади. Шоирнинг шу давр шеърларидаги қайноқ, хужумкор овози энди бармоқ вазнининг равон сойида бир оз «совиб»,

салобат ва виқор касб этди. Унинг шеърларидаги хайқириқ ва хитоблар ўрнини сокин ва теран кечинмалар эгаллади. Ана шу сокин кечинмалар тасвирининг пайдо бўлишида шоир қалбида уйғонган муҳаббат туйғуларининг ўрни ва аҳамияти оз эмас. Ҳамид Олимжон 1936 йилда ёзган шеърларидан бирига татар шеъриятининг карвонбошиси Ҳоди Тоқтошнинг: «Муҳаббат — ўзи эски нарса, лекин у ҳар бир юракда қайта янгиланади», деган сўзларини пешсўз қилиб келтирган. Бу сўзлар шеърнинг автобиографик унсурлардан холи эмаслигини англатади. Дарвоқе, шеърнинг ғоявий мундарижасида ҳам ошифта шоир қалбининг биографияси ўз ифодасини топган:

*Ҳар юракнинг бир баҳори бор,
Ҳар бир қалбга ишқ бўлар меҳмон,
Ҳар юракда гуллар муҳаббат,
Бўстон этар уни безумон.
Лекин Лайли бошига келган
Қора кунлар бизга ёт бутун;
Бизга ётдир Ширин бахтини
Поймол этган у қоп-қора тун.*

Шоирнинг ўз рафиқасига бўлган муҳаббати Фарҳод ва Мажнунларнинг севгиси янглиғ беадад эди. Ана шу муҳаббат туфайли у ўз бахтини янада чуқур ҳис этди:

*Карашларинг тинчимни олиб,
Чертиб кетди қалбим торини,
Шундан кейин сездим юракда
Шунча кучли ўтнинг борини.
Айтиб бер-чи, шунча севганлар
Бўлганмикан менча бахтиёр?*

Бу мисралар 1936 йил кузида Сочида ёзилган. Ҳамид Олимжон Қора денгиз бўйларида жойлашган санаторийга борган кезларида Зулфия биринчи фарзандига ҳомиладор бўлганлиги сабабли турмуш ўртоғига ҳамроҳлик қила олмаган. Шунинг учун ҳам шоирнинг Кавказ таассуротлари билан йўғрилган шеърларида севимли ёрга бўлган соғинч ҳисси устиворлик қилади. «Хаёлинг-ла ўтади тунлар...» деб номланган шундай шеърлардан бири нафақат Ҳамид Олимжон, балки XX аср ўзбек лирикасининг шоҳ намуналаридан биридир. Бундан қарийб етмиш беш йил аввал ёзилган бу шеър оҳорини на ўтган даврлар бўрони

тўка олган, на ўзбек шоирларининг кейинги ишқий замзамалари. Биз бу шеърни ўқир эканмиз, биргина соғинч туйғусининг шу қадар гўзал ва умрбоқий асарни майдонга келтира олиши мумкинлигига ҳайрат билан қараймиз. Нима дейсиз, балки бу шеърнинг майдонга келишига сабаб бўлган бошқа илоҳий омиллар ҳам бордир?

*Хаёлимда бўлдинг узун кун,
Сени излаб қирғоққа бордим.
Оч тўлқинлар пишқирган тунда
Топиб бер, деб ойга ёлвордим.
Ишон бунга, сени доимо
Эсга солар чиройли тунлар,
Шўх юлдузлар, салқин саҳарлар,
Эсга солур бахтиёр кунлар.
Толеимнинг ошиёни сен,
Сен севгимнинг кўкарган боғи.
Сенинг билан бирга иқболим.
Ишончимнинг сен вафо тоғи.
Мени қуршар салқин бир ҳаво,
Сув устидан тун қуюлади.
Шунда қанча-қанча гапларни
Эсга солиб ой ҳам тўлади.
Кеча жимжит, ёлғиз тўлқинлар
Пишқиради билмай тинимни.
Ҳийлагар ой, сеҳргар дилбар,
Солиб қўйдинг ёдимга кимни?..*

Агар шоир қалбида муҳаббатнинг оташин олови балқиб турмаган бўлса, ҳар қандай юксак истеъдод соҳиби ҳам бундай шеърят дурдонасини ярата олмаса керак.

Ҳамид Олимжон, айтиб ўтилганидек, меҳнат интизомига қатъий амал қиларди. У кўп ва бетиним нжод қилиш билан бирга кўнгилли ҳордиқ олишни, истироҳат қилишни, дўстлар даврасида оқилона суҳбат қилиш-у мириқиб ҳазил-мутойибага берилишни ҳам севарди. Якшанба Ҳамид Олимжон ва унинг оиласи учун чин маънода фароҳат ва истироҳат куни эди. Шу куни шоир кўлига қалам олмас, Зулфия ҳам уй-рўзғор ишларидан озод бўларди. Одатда у барвақт туриб, Зулфия билан бирга бозорга борар, рўзғор учун керакли маҳсулотларни обдон танлаб-савдолашиб харид қиларди. Сўнгра

кўчага чиқиб, биринчи келган трамвайга тушар ва шу трамвайнинг охирги бекатига қадар бориб, шаҳар ташқарисига чиқиб оларди. Шоир бундай сайрларни «матчои сайил» деб атарди. У Обсерватория кўчасида истиқомат қилганда, 2- ёки 3-рақамли трамвайларга ўтириб, Гидр ва Салор бўйларига боришни, яшил кенгликларга чиқиб, тоза ва тўйимли ҳаво билан нафас олишни, кушлар навосини тинглаб, ўт-ўланларнинг яшил ёғдусини симирнишни севарди. «Матчои сайил» табиат бағрига кириш — руҳга ҳордиқ бериш, ранглар ўйинига, садолар шалоласига, хуллас, табиатнинг беназир латофати бағрига сингиш, хуллас, ижод учун чўғ олиш эди. Табиатдаги гўзалликни кўра ва кўмсай олмайдиган инсон уни Ҳамид Олимжондек беадад шеърӣ куч билан акс эттира олармикан?! Йўқ, асло! Ҳаётни, табиатни Ҳамид Олимжондек жиловсиз эҳтирос билан севувчи кишигина шундай ошифта шоир бўлиши мумкин... Шубҳасиз, ҳамидона “матчои сайил”лар Зулфиясиз ўтмас эди. Ҳамид Олимжон билан Зулфиянинг «табиат қучоғи»га қилган ана шундай саёҳатларидан бири 1936 йил баҳоридаги лола сайли эди. Орадан бир йил ўтгач, шоир ўша сайилдан олган фароғатини хотирлаб, ўзининг латиф шеърларидан бирини ёзган:

*Энг гуллаган ёшлик чоғимда
Сен очилдинг кўнгил боғимда.
Шунда кўрди кўзим баҳорни,
Шунда қалбим таниди ёрни.
Қушлар сайрар жонимга пайваст,
Мен севгининг бўйи билан маст,
Куни билан далада қолдим,
Лолазорлар ичра йўқолдим.
Қучоқ-қучоқ гуллар терганим
Ва келтириб сенга берганим
Кечагидай ҳамон эсимда,
Ҳар сония, ҳар он эсимда.
Шундан бери тилимда отинг,
Шундан бери дилимда отинг...
Энг гуллаган ёшлик чоғимда
Сен очилдинг кўнгил боғимда.*

Ҳамид Олимжон ўз муҳаббати билан беҳад даражада бахтиёр эди. Бахтиёр кишининг кўзига эса ҳамма нарса гўзал бўлиб кўринади:

Бахтим борки, ҳар нарса гўзал кўринади менинг кўзимга.

Ҳамид Олимжон 30-йилларнинг иккинчи ярмида она юртнинг оташин куйчисига бежиз айланмаган, олтин водийлару бахмал адирларни бежиз ёниб тасвирламаган, бепоён Ватанимизнинг жаннатмонанд тасвирини бежиз яратмаган. Уни шундай гўзал шеърят дурдоналарини яратишига илҳом берган ҳам унинг қалбидаги Зулфияга бўлган муҳаббатнинг латиф туйғулари эди. Шоирнинг бахт-саодат ҳақидаги бир туркум шеърлари ҳам ана шу бахтли муҳаббат чашмасидан юзиб чиққан.

Атоқли шоира Зулфия 97 ёшда

Зулфияхоним ва унинг издошлари



Бу назм боғига киролмас хазон, Бизни маҳв этолмас завол лашкари. Мен кетсам мунғаймас умрим ҳеч қачон, Бу боғлар... Бир боғлар бўлади ҳали... **Зулфия** Бугун 1 март баҳорнинг илк кунида– атоқли шоира Зулфия туғилган кун! Ўзбек халқининг севимли шоираси, таниқли жамоат арбоби, садоқат ва вафо куйчиси

Зулфияхоним таваллудининг 97 йиллиги нишонланади. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхонимнинг таваллуд топган сана муносабати билан жойларда кенг миқёсда тадбирлар ўтказилади. 2008 йил, 1 март куни бунёд этилган Ўзбекистон халқ шоираси ҳайкали олдида Зулфияхонимнинг шогирд ва издошлари шоирани хотирлаб, шеърларини ёд этиб ҳайкал пойига гулдасталар қўйиши анъанага айланиб улгурган. Унинг адабиётимиздаги ўрни беқиёсдир. Баркамол авлодини вояга етказиш, улар орасидан иқтидорли қизларнинг адабиёт, санъат, таълим фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, шунингдек, кенг кўламли ислохотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокларини рағбатлантириш мақсадида тасис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳам шоиранинг ижодига бўлган бир эҳтиром белгисидир. Юртбошимиз

